



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 7-may. Shanba

55 (31.331)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 6 май куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрдилар.

Бухоро Ўзбекистоннинг асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келган, ҳақли равишда шарифлик мақомига сазовор бўлган муқаддас шаҳарларидандир. Бухорои шариф буюк алломалари, қад ростлаган бетакрор тарихий обидалари билан халқимизни, мамлакатимизни бутун дунёга танитган.

Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Бухорининг шарифлик мақомига кўтарилишига улкан ҳисса қўшган буюк алломалардан бири Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуини зиёрат қилдилар.

Эски тузум даврида бу муқаддас маскан ҳароба ҳолга келиб қолган эди. Истиқлол йилларида миллий маданий ва маънавий қадриятлари, тарихий обидаларни тиклаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1993 йилдаёқ Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан мазкур зиёратгоҳ қайта таъмирланди. Мажмуадаги дахмалар, мақбаралар, масжидлар, айвонлар ва мадрасанинг ҳақиқий қиёфаси тикланиб, қўтлуғ қадамжого айлантилди.

Таомилга биноан бу ерда Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳи поки ҳақиқа тиловат қилинди.

Президентлар Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилдилар. Бу ёдгорлик ўз меъморий ечимига кўра мутлақо бетакрор обидадир. Нафис меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симметрик ўлчамлар, ғоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари Пойи Калон

мажмуида бўлдилар. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу ансамбль Туркменистон раҳбариди катта таассурот қолдирди.

Лаби Ҳовуз мажмуасида Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов дастлаб Нодир Девонбеги мадрасасига кирдилар. Бу ерда миллий хунармандларимиз томонидан тикилган дўппи ва зарчопонлар, зардўзларнинг гилем ва кашталари, сопол ва темирдан ясалган нафис буюмлар, миллий миниатюра услубидаги расмлар, жарангдор чолғу асбоблари ва бошқа махсулотлар кўздан кечирилди. Хунармандлар билан самимий суҳбатда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги таъкидланди.

Туркменистон раҳбари Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин кўҳна Бухорининг тарихий обидалари тикланиши боробарида шаҳар замонавий қиёфа ҳам касб этаётганини, бу ерда сайёҳлик жадал ривожланганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Туркменистон олий даражадаги учрашувларининг яна бир гўзал анъанаси бор. 2010 йилда Президент Ислоҳ Каримовнинг Туркменистонга сафари асосида мамлакатимиз раҳбарига зотдор от совға қилинган эди. Мамлакатимиз раҳбари Туркменистон Президентига Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида ўзлаштирган ўта мураккаб ишлаб чиқариш саноати махсулоти — «Сартива» русули замонавий автомобиль совға қилди.

(Давоми 2-бетда.)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Томир ИСТАТОВ (ЎЗА) олинган сурат.

Миннатдорлик ҳисси билан

Истиқлол йилларида қарияларни қадрлаш, нуруний отахону онахонларимизнинг мазмунли ҳаёт кечирishi учун барча шарт-шароитларни яратиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Айниқса, бугунги дорилмомон кунларга шукроналик ҳисси билан яшаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ана шундай улкан эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ жойларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофот-

лари ва байрам совғалари топширилмоқда. Бухоро шаҳри Фурқат номидаги маҳаллада яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳим Козимов бобомерос хунар — шойи тўқиш билан шуғулланган. Отахонинг хонадон хар доим шоғирдлари, хунар ўрганишга иштиёқманд

ёшлар билан гавжум. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу хонадон янада гавжумлашди.

«Нуруний», «Махалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро шаҳар бўлиmlари вакиллари отахонни байрам билан қутлаб, ўз совғаларини топширдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг ва халқимизнинг биз, кексаларга кўрсатаётган доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаш — улкан бахт, — дейди Р.Козимов. — Эътибор ва эъзоз инсонга катта куч-қувват, ишонч бағишлайди. Умрига умр, меҳнатига барака қўшади. Шу боис доимо эҳтиром кўрсатиб келётган халқимиздан, Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.



Абдуманноб РАХИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаси янада кенгайиши муҳим аҳамиятга эга

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Конституция-мизда давлат ҳокимиятининг уч тармоғи бир-биридан ажратилгани, судларнинг мустақил ҳокимият сифатида эътироф этилиши суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлашга имкон яратди. «Судлар тўғрисида»-ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу орқали суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилишига ҳуқуқий замин яратилди.

⇒ 2

Нурунийлар учун янги имтиёзлар

Хотира ва қадрлаш куни — умумхалқ байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелда қабул қилган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида ёши улуг инсонларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳам бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга компания томонидан шаҳарлараро ва халқаро кўнгироклар карточкаларидан фойдаланган ҳолда телефон орқали бепул сўзлашиш имконияти тақдим этилди. Фахрийларга телефон карточкалари «Нуруний» жамғармаси тақдим этган рўйхат асосида берилмоқда.

(ЎЗА)

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 6 май куни Қонунчилик палатаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида «Демократик жамиятда конституциявий ҳуқуқ ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва Франция тажрибаси» мавзусида халқаро семинар ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Франция ва Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқ ва парламентаризмнинг ривожланиш хусусиятларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида илгари сурилган тақлифларни рўйга чиқариш бўйича кўрилатган чора-тадбирларни муҳокама этишдан иборат.

Семинарда Ўзбекистон ва Франциянинг конституциявий ривожланишига,

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги шароитида, Францияда парламентаризмнинг шаклланиши ва юксалишига, парламент фракцияларининг ривожланиш хусусиятлари ва йўналишларига, ҳуқуқий мақомига ҳамда парламент фаолиятини такомиллаштиришдаги ролига, икки палатали парламент шароитларида палаталар ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши борасидаги Франция ва Ўзбекистон тажрибасига бағишланган маърузалар эшитилди.

(Давоми 2-бетда.)



Асосий мақсад —

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ

Белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда жарима солиншига ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. ⇒ 3

Тадбиркор муаммога дуч келмоқда

ЎзЛиДеП эса сукут сақламоқда ⇒ 2

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 3 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЯМАТИ

1 Австралия доллари	1853,43	1 Миср фунти	285,08	1 СДР	2747,20	10 Жанубий Корея вон	15,88
1 Англия фунт стерлинги	2825,57	1 Канада доллари	1787,76	1 Туркия лираси	1113,46	10 Япония иенаси	208,05
1 БАА дирҳами	461,46	1 Хитой юани	261,16	1 Швейцария франки	1952,76	1 Россия рубли	61,62
1 АҚШ доллари	1694,80	1 Малайзия рингити	572,37	1 Евро	2490,30	1 Украина гривнаси	212,77

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таъжур валюталарни ўнб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмган.



Хизматлар лицензияланган

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилган «Бухоро маданий маркази» мажмуғига келди. 107 гектарни эгаллаган мажмуа яшил майса билан қопланган. Ҳар тарафда киши кўзини турли ноёб дархлар, турфаранг гуллар қувонтиради. Мажмуа марказида Бухоронинг ўтмиши ва бугунидан сўзлайдиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг фахри бўлган буюк алломалар ва ноёб тарихий ёдгорликлар номлари ва суратлар битилган муаззам «Кўҳна ва бокий Бухоро» монументи савлат тўкиб турибди.

Мажмуанинг бир томонидан амфитеатрага, иккинчи томонидан вилоят му-

сиқали драма театрига йўл солинган. Бу театрда Ўзбекистон — Туркманистон олий даражадаги урғашувларининг ажралмас бўлагига айланган дўстлик фестивали — икки мамлакат санъат усталарининг биргаликдаги концертга қизғин тайёргарлик кўрилди.

Театрда йиғилганлар икки мамлакат раҳбарларини гулдўрос қарсақлар билан кутиб олишди.

Ўзбекистон ва Туркманистон санъаткорлари юксак маҳорат билан икки халқнинг куй-қўшиқлари, рақсларини ижро этдилар. Концерт сўнггида «Ватан азиздир» кўшиғини икки мамлакат санъаткорлари биргаликда жўр бўлиб ижро этгани Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг маданий-маънавий муштараклигидан яна бир ёрқин далolat бўлди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Туркманистон раҳбари Ўзбекистонга ташрифи самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул ва дўстона муносабат учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди ва давлатимиз раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга ташриф буюришни таклиф этди.

Ушбу ташриф асосида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар, Президентлар таъкидлаганидек, икки мамлакат раванга ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилди. Бу келишувлар Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш имконини беради.

(ЎзА)

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Семинарда таъкидландики, замонавий жамиятнинг ҳаёти ва фаолиятида Конституция алоҳида ўрин тутади. Конституциянинг мазмуни ва моҳияти, энг аввало, шу билан белгиланадики, у фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиди, конституциявий тузум асосларини, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши принципларини мустаҳкамлайди. Конституция ҳуқуқий ва сиёсий тизим, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими таянадиган пойдевордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида алоҳида таъкидландики, «1992 йил декабрь ойда қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тарққийини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституцияимизнинг қонда ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади».

Халқро семинар иштирокчиларининг фикрига кўра, парламентаризмни ривожлантириш

масалаларини муҳокама этиш Ўзбекистон учун муҳимдир, чунки 2005 йилда Ўзбекистоннинг икки палатали миллий парламенти тузилган бўлиб, унинг қонунчилик ва назорат фаолияти янада такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламент палаталари қўшма мажлисида баён қилган жамият ҳаётида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини кучайтиришга доир таклифлари ана шундан далolat беради.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум ақнулари ва шу асосда «Референдум ақнулари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг туддан ислох қилишининг асосларини белгилаб берди».

Ўзбекистонда умумэтироф этилган демократик талабларга жавоб берадиган парламент тизимининг шакллантирилиши, сиёсий институтлар тузилмасида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва ўрни юксалтирилиши, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланиш соҳасида парламент вазифалари ҳамда ваколатларининг изчил кенгайтирилиши, ижро этувчи ҳокимият томонидан қонунларнинг рўёбга чиқарилиши устидан парламент назоратини зарур ижтимоий-си-

ёсий шароитлар яратилган ҳолда амалга ошириш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш мамлакатимиз сиёсий тизимини модернизация қилишининг устувор йўналишларидан биридир.

Мамлакатимизда кўппартиявийликни ривожлантириш ва жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар кўрилди. Мустақил Ўзбекистондаги кўппартиявийлик тизимини ўрганиш шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида мамлакатда сиёсий партияларнинг кенг ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бориши учун шарт-шароитларни таъминладиган салмоқли қонунчилик базаси яратилди. Қонунчилик базаси сиёсий партияларга ўз сайловчиларининг манфаатларини янада самаралироқ илғари суриш, энг муҳим давлат масалаларини ҳал қилишда янада фаолроқ иштирок этиш имкониятини бермоқда.

Семинарда алоҳида таъкидландики, сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳамда унинг аҳамиятини бугунги кунда парламентаризмнинг тараққийётдан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиш сиёсий партиянинг қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланишини, шунингдек, ўз электорати манфаатлари ҳамда сайловолди дастурларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш зарурлигини ино-

батга олган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни назарда туғувчи дастурий вазифаларни рўёбга чиқаришининг энг таъсирчан йўллари билан биридир. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жамият олдидаги масъулиятини кучайтиради.

Семинар иштирокчилари қайд этганидек, парламентаризмни ривожлантириш ва кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш Олий Мажлисини демократик ўзгартиришларнинг, либерал ислохотларнинг таркибий қисмига айланишига кўмаклашда ҳамда қучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси парламентнинг ҳам, сиёсий партияларнинг ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги ролини босқичма-босқич ва изчил мустаҳкамлашга кўмаклашда.

Семинар ишида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий ва ўқув муассасалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

«Хабас корпус» институтини қўллаш соҳаси янада кенгайиши муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Судлар тўғрисида»ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Шу орқали суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилишига ҳуқуқий замин яратилди.

Айни пайтда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада кафолатли ҳимоя қилиниши учун тегишли қонунлар такомиллаштирилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориладигани таъкидлаш жоиз. Бунинг туб мазмуни дастлабки тергов жараёнида гумонланувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш бўйича санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилишини аниқлаштириш. Бу меъёр халқро миқёсда «Хабас корпус» институти деб аталади.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Ҳўш, «Хабас корпус» институтининг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Унинг изчил жорий этилиши қандай манфаат келтиради? «Хабас корпус» шахсни айбдор деб топиш учун, энг аввало, уни судга олиб келиш ва айбини исботлаш зарур деган қонидан мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институтдир. Мазкур институт озодликдан маҳрум этиш асосини текшириш учун суд талабига кўра айбланувчи ёки гумонланувчини судга олиб келиш ва ҳуқуқини ҳимоя қилишни билдирди.

Мамлакатимизда 2008 йилдан бошлаб мазкур институтнинг жорий этилиши, яъни ахтиёр чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши долзарб аҳамият касб этди. Президентимизнинг ҳар йўналиши-

даги Қарори инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этди. Энг муҳими, бу институт жорий этилгандан бери судлар томонидан 700 дан ортқ ҳолатда дастлабки тергов жараёнида айбланувчи ёки гумонланувчининг етарли асосиз қамоққа олинишига йўл қўйилмади. Бу, мазкур институт орқали инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари судлар томонидан муносиб ҳимоя қилинаётганини тасдиқлайди.

Бу эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ҳимоя қилиш борасида суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш борасида амалга оширилган ишлар батафсил таҳлил қилинди. «Хабас корпус» институтини кенгроқ қўллашнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш таклиф этилди. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддасида қўйилган шунга оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш гоёси илгари сурилди. «Бу ўринда судга қадавр юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқро ҳуқуқ нормаларини амалга оширилишини таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, тергов жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади, ҳолисликни

таъминлаб, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилинишини кафолатлаши шубҳасиз.

Ҳозирда Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, айбланувчининг ўз иш жойида қолиши, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлганда, терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурор розилиги (санкция) ёки прокурорнинг қарори асосида уни лавозимдан четлаштириш мумкин. Шунингдек, гумонланувчи ёки айбланувчи нисбатан суд-тиббий ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда стационар кузатув зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилиги (санкция) бергани қақиди қарорига ёхуд прокурорнинг қарорига асосан, башарти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, тегишли тиббий муассасага мажбурий равишда жойлаштирилари эди. Бу эса, гумонланувчи, айбланувчи нисбатан дастлабки тергов жараёнида процессуал мажбурият чораларини қўллашнинг бир томонлама ҳал этилишига олиб келар эди. Шундан келиб чиқиб, Концепцияда «Хабас корпус» институтини қўллашнинг такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар инсон ҳуқуқлари ва дахлсизлигини кучайтиришга, бу бордада умумэтироф этилган демократик меъёрларни жорий қилишга қаратилгани билан гоё аҳамиятлидир.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг судлар томонидан ишончли ҳимоя қилиниши бўйича ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланиши халқимиз эъзоэладийдан миллий анъана ва қадриятларимиз улғуворлигини таъминлаш, айни пайтда, ўзимиз орзу қилган қучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлади.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Фахрийлар эъзоэ ва эътиборда

Сергели туман партия кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларининг шахримиздаги «Хотира» майдонига ҳамда Ҳазрати Имом мажмуғасига эътирати уюштирилди.

— Хотира ва қадрлаш тушунчалари асл миллий қадрият саналади, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Баҳодир Қурбанов. — Туманимизда айни пайтда 71 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истикомат қилади. Ҳар йили улар билан бирга ўтганлар-

ни хотирлаб, мана шу «Хотира» майдонига келамиз. «Мотамсаро она» хайкали ойда туриб, бугунги хур, пойд, тинч замон учун шукр қиламиз.

— Етти нафар фарзандим бор, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хайдар Темиров. — Ўн беш ёшимда урушга борганман. Бугун фарзандларим, набираларим ардоғида яшайман. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон. Биз каби қариялар эъзоэда. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Юртобшимиз кўрсатаятган юксак эътибор қалбларимизни қувонгча тўлдирди.

— Нафақат ўтганларни хотирлаш, балки ҳаёт бўлганларни қадрлаш ҳам муҳимдир, — дейди Сергели туман партия кенгаши раиси ўринбосари Нурбек Қўчқоров. — Шу маънода биз, партия фаоллари туманимиздаги ёлғиз кексалар, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳолидан тез-тез хабар олиб бораемиз. 9 май арафасида 15 нафар уруш қатнашчисининг уйига бориб, улар билан суҳбатлашдик, кўнглини кўтариб, байрам билан кутладик.

Гулрўх ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат олдидаги бурч унутилганда...

Тадбиркор муаммога дуч келмоқда

ЎзЛиДеП эса сукут сақламоқда

■ Хоразм вилояти ҳокимлиги газетасининг тўртинчи саҳифаси ҳар доим турли эълон, рекламаларга тўла бўлади. Эълонларнинг аксари қайсидир тадбиркорлик турбаэти ўз фаолиятини тугатгани тўғрисида. Бунга қўшимча тарзда тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик суди қарорига биноан хатланган мол-мулки кимшоши савдосига қўйилиши ҳақидаги эълонлар ҳам босилади. Ҳафтада икки марта чоп этиладиган газетанинг сўнгги саҳифаси деярли шундан ортмайди...

Маълумотларга қараганда, ўтган йили вилоятда жами 1066 та юридик шахс ўз фаолиятини тугатган. Бу, ҳар куни қарийб учта тадбиркорнинг иши тугаган, дегани. Агар ҳар бир кичик тадбиркорлик субъектида раҳбар, ҳисобчи ва яна камиде икки нафар ҳодим ишлашини эътиборга оласак, бир йилда ўрта ҳисобда қанча киши ишсиз қолади?..

Юртимизда тадбиркорлик учун қонуний шарт-шароит яратилган, имтиёзлар белгиланган. Ишлашман, тадбиркорлик билан шуғулланман, ҳам ўзимга, ҳам жамиятга фойда келтираман, деган кишига йўл очик. Аммо шунга қарамай, айрим жойларда тадбиркорлик субъектлари нега тугаб кетмоқда? Худудларда уларнинг эмин-эркин фаолият юритишига қандай тўсиқ бор? Муаммо нимда?

Табиий савол туғилади: тадбиркорларни ўз электорати, деб эълон қилган партия вакилларининг бундан хабари борми? Бу бордада ЎзЛиДеП илгари кенгаши раҳбарларининг фикри билан қизиққан эдик. Афсуски, улар масала юзасидан фикр билдириши иштамади.

Ўтган йили Урганч шаҳрида 362 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тўхтатган. Нега бу шаҳарда деярли ҳар куни битта тадбиркорнинг иши тўхтапти?

Сайловлардан буён халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг саккизта сессияси бўлиб ўтган. Қундалик, ташкилий ва масъулий масалалардан ташқари, доимий комиссияларга бор-йўғи учта масала киритган. Аммо негадир долзарб мазму — тадбиркорларнинг банкрот бўлиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, бу бордада мониторинг ўтказиб, тегишли масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқиш либералларнинг ҳаёлига келмаяпти.

Шаҳар Кенгашида ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар кўпчиликни ташкил этади. Олти доимий комиссиянинг учтасига уларнинг вакиллари раҳбарлик қилади. Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссия бу масалада нега сукут сақламоқда? Янги очилган кичик корхона, фирмалар сонини санаётган ЎзЛиДеП етакчиларининг ҳар йили қанча тадбиркорлик субъектлари ёпилаётганидан хабари борми?..

Хонқа туманида ҳам ўтган йили юзга яқин тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугаган. Туман Кенгашининг ўтган йили етти та сессияси ўтказилиб, уларда жами 33 та масала қўрилган. Туман Кенгашининг IV сессияси кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 сентябрдаги «Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 403-қарорига асосан Хонқа шаҳарчаси ва қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳақида»ги масала ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан киритилган. Бирок бошқа депутатлик гуруҳларининг ташаббусларидан дарак йўқ.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий дастурий вазифаси эмасми? Бугун вилоятда ўттиз миңг беш юзга яқин депутатлик гуруҳи томонидан сессияга бирор-бир масала киритилганини айтолмади. «Ҳа, масала киритмоқчимиз», деди-ю, аммо унинг мазмун-моҳияти ҳақида аниқ фикр билдирмади. Нима, туманда тадбиркорлар дуч келаётган муаммолар либералларни қизиқтирмаптими?

Ўтган йил давомида Гурланд ҳам 108 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тўхтатган. Либераллар эса Гурланд ҳам жим.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши 22 нафар депутат ЎзЛиДеП-

дан сайланган. Етти доимий комиссиядан тўрттасига либерал партия вакиллари раҳбарлик қилмоқда. Аммо вилоятда ҳар кун деярли учта тадбиркор ўз ишини тўхтатиши билан боғлиқ вазият уларни ташвишга соляпти.

Вақтли матбуотда либерал партия вакилларининг ёшлар ўртасида, кўпроқ тадбиркорлар билан давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари ташкил қилаётганини ўқиб қоламиз. Бунда асосий мазму ёшларни тадбиркорликка қизиқтиришдан иборат бўлади. Ўз бизнесимни очман, мустақил иш бошлайман деганлар, шу ишга азму шижоат билан киришяётганлар кўп, албатта. Уларга амалий кўмак бериш, дуч келаётган муаммоларини ҳал қилишда бирга курашиш, ҳали юришмаган тадбиркорга мадад бериш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий дастурий вазифаси эмасми?

Бугун вилоятда ўттиз миңг беш юзга яқин депутатлик фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили икки миңдан ошқ янги тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган. Сон — салмоқли. Аммо уларнинг қанчаси яшаб қолади, ривож топади, юртимиз иқтисодиётига улшўшадди? Яна қанчаси бевақф синди? Гап шунда!

ЎзЛиДеП ўз электорати манфаатини ҳимоя этиш ҳақида жиддий қайғурганида бу муаммога бефарқ қарамаган бўларди, деб ўйлаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон хотираси азиз

Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли Ҳамза Маҳкамовни эслаб...

У 1959 йил Денов туманидаги «Шамоли» маҳалласида туғилди. 1987 йилдан бошлаб то умрининг охиригача темир йўл соҳасида фаолият кўрсатди. Тажрибали машинист дастлаб 1999-2001 йилларда «Учкудук — Мискин — Султон Увайстог», 2002 йилда «Тошкент — Самарқанд» темир йўл қурилишларида жонбозлик кўрсатди.

Ҳаёт мазмуни

— Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов билан ўттиз йилдан ортқ бирга ишладик. Бугун «Тошгузар — Бойсул — Кумкўрғон» темир йўли қурилишидаги воқеалар хотирамда жонланади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси Юсуп Зияев. Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафаси иш тобора кизиб борарди. Айни ёз палласида тоғ ҳавоси иссиқ ва дим. Чор-атроф чанг-тўзон. Метиндек тоғ бағрини ўйиб, юзлаб километрга чўзилган улкан йўл қуришининг ўзи бўлмайдди, албатта. Жанубдан қашқадарёликлар, шимолдан эса биз сурхондарёликлар басма-бас пўлат из ётқизиб бораяпти.

Сўнгги пўлат из — «олтин ҳалқа»ни ҳам устозимиз ўрнатгани бугунгидек кўз ўнгимда. — Ҳамза Маҳкамов партияимиз фаоли эди, — дейди ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Абдуллоҳ Бўриев. — Феълли оғир-босиқ, ҳар бир фикрни мулоҳаза билан гапирар, сўзлари юракка етиб борарди. Биз партияимиз сафида ана шундай инсонлар борлигидан фахрланардик ва ҳамон у кишини эъзоз ва ҳурмат билан ёдга оламиз. — Ҳаётни оқар дарёга ўхшатишимиз бежиз эмас, — дейди «Шамоли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурахмат Бобуров. — Раҳматли Ҳамза ака элпарвар, одамларнинг тўй ва таъшивидега доим ёнида тургучи аждоғи инсон эди. От ўрнини той босади, деганларидек, бугун унинг ишларини фарзандлари давом эттирмоқда. Маҳкамовлар оиласи маҳалламиздаги энг намунали оилалардан бири ҳисобланади. Шу кунларда маҳалла фаоллари ўтганлар хотирасини ёдга олиб, ҳаёт бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишмоқда.

Абдурраҳим ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Илмга бахшида умр

Буюк донишмандлардан бири ўз китобида «билишини биладиган одамга эргашинг, билишини билмаганини оғоҳлантиринг, билмаслигини биладиганга ўргатинг, билмаслигини билмагандан қочинг», деб ёзиб қолдирган экан.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Халил Жалилов ўз ҳаёти давомида мана шу эзгу тамойилга амал қилиб яшади. Олим бутун умрини илм олишга, мамлакатимизда иқтисодий фанини, хусусан, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтиришга бағишлади. Бу йўлдаги ҳар қандай машаққатларни сабот билан енгиб ўтди. Халил Жалилов 1911 йилда сўлим Фарғонанинг Олтиариқ туманида туғилган. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этди. Шундан сўнг эса унинг илмий ва педагогик фаолияти бошланди. 1957 йили Халил Жалилов номзодлик, 1971 йилда эса докторлик диссертацияларига илмий қазиди. Кейинроқ, профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Бундан ташқари, доманининг ўзи ҳам кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди. Жумладан, олим бошчилигида қишлоқ хўжалиги моддий-техник базасини, пахтачилик агроносат мажмуини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. У кейинчалик ўша даврдаги Тошкент халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш кафедраси профессори сифатида фаолият юритди. Олим бу ерда ҳам ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб камол толган шогирдлар тайёрлади.

— Устоз билан 1965 йилда танишганман, — дейди академик, Қобул Хасанов. — Халил Жалилов меҳрибон, жонқур, ўз касбига фидойи инсон эди. Айнан унинг раҳбарлигида докторлик ишларини ётқизганман. — Халил Жалилов хушчақчақ инсон эди, — дейди Тошкент иқтисодиёт университети илмий педагог кадрларни тайёрлаш ва фан бўлими бошлиғи Галина Ивановна. — Ҳамкасбларига доимо хушмуомала, самимий муносабатда бўларди. Шу билан бирга талабаларга, шогирдларига талабчан эди. Уларни интилиш, изланиш ва фаолиликка ундирди. Халил Жалилов нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти соҳасининг кўзга кўринган вақилларидан бири сифатида эътироф этилган. Олим мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари талабалари учун мўлжалланган кўплаб ўқув кўлланма ҳамда дарсликлар яратган. Шунингдек, юздан ортқ илмий мақола, рисола ва монографиялар муаллифи. Уларнинг баъзилари инглиз, француз, немис ва рус тилларига таржима қилинган. Устоз умрининг охиригача фан ривожига ҳисса қўшишдек буюк мақсад ва интилиш билан яшади. У фанимизнинг чинакам фидойиси эди...

Абдураҳим ҲАЙДАРОВ, меҳнат фахрийси.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи фармацевтика корхоналари раҳбарлари диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИ МАРКАЗЛАШГАН ҲОЛДА ДОРИ-ДАРМОНЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда фармацевтика маҳсулотларини етказиб бериш бўйича етарли тажрибага эга бўлган чет эл ва маҳаллий корхоналар, ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг расмий дилерлари, дистрибьютерлари иштирок этишлари мумкин.

- 1. Тендер комиссиясининг ишчи органи манзили ва телефон рақамлари: 710000, Андижон шаҳри, Амир Умарқон кўчаси, 19-уй. (+99874) 224-31-61, 224-81-10, 224-62-61.
2. Тендер таклифлари бўйича ҳужжатлар тўпламини қабул қилишининг охириги мuddати — 2011 йил, 30 май, соат 16:00 гача.
3. Тендерга тааллуқли қўшимча маълумотлар учун Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига юқорида кўрсатилган реквизитлар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин.

Қонун ва шарҳ

Асосий мақсад — масъулиятни ошириш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига тобора катта эътибор қаратилмоқда. Қўрилатган чора-тадбирлар автомобиль йўлларида хавфсизлигини таъминлаш ишларининг сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга, юз бериши мумкин бўлган кўплаб фалокатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ҳамда жорий йилнинг 27 апрель кунидан расман қучга кирди. Ушбу Қонуннинг яратилиши ва моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВга мурожаат қилдик.

— Холматжон Аҳмедович, аввало, янги қабул қилинган Қонун аҳамияти тўғрисида тўхталсангиз.
— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 28 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 15 та амалдаги нормаларга таҳририй ўзгаришлар, ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда 5 та янги норма киритилди. 17 та модданинг санкциясида кўрсатилган жарима миқдорлари мувофиқлаштирилди.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши бугунги кун талаби, дессам хато бўлмайдди. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этиши учун масъулиятини ошириш, қонунларга итито ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тааллуқли бўлган ва уларнинг ваколати доирасида қўриб чиқилган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзининг қўйидаги корхоналар устав фондларидаги 100% улушини, шунингдек, банк мулкани сотиш бўйича кимошди савдолари ўтказилишини эълон қилади:

- 1. «AZIA AYS» МЧЖ — корхона музқаймоқ ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> музқаймоқ ишлаб чиқариш ускунаси («Тетра Пак Хойер» — Дания). Қуввати — йилга 594,36 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 0,17 гектар. Улар 0,33 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.
2. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Infafarri Inf. S.p.a.» — Италия). Қуввати — йилга 1.560 тонна;
> картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия). Қуввати — йилга 75 тонна;
> вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» - Австрия). Қуввати — йилга 300 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.
3. «NUROTAMARBLE» МЧЖ — корхона мрамар плиталар ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> мрамар плиталар ишлаб чиқариш ускунаси («Педрини» — Италия). Қуввати — йилга 42.000 кв.м;
> омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 0,22 гектар. Улар 33,3 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Навоий вилояти, Нурота шаҳри, Карьерная кўчаси, 1.
4. «VODIY MUZQAYMOGI» МЧЖ — корхона музқаймоқ ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> музқаймоқ ишлаб чиқариш ускунаси («Тетра Пак Хойер» — Дания). Қуввати — йилга 1029,6 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 0,15 гектар. Улар 1,4 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 6.
5. «KESHMARBLE» МЧЖ — корхона мрамар плиталар ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> тошни қайта ишлаш ускунаси («Breton» — Италия), гранит ва мрамар блоklar олиш ускунаси

- 6. «GAZALKENT STONE» МЧЖ — корхона мрамар плиталар ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> тошни қайта ишлаш ускунаси («Telestar», «Kaiser» «Hercules» Германия). Қуввати — йилга 60.000 кв.м;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,84 гектар. Улар 17,1 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Мраморная кўчаси, 1.
7. «NAMANGAN QOGOZI» МЧЖ — корхона қоғоз ишлаб чиқаради ва куйидагилардан иборат:
> қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси («Goebel Darmstadt» — Германия, «Dorries» — Швеция). Қуввати — йилга 4 992 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 0,6 гектар. Улар 1,71 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50.
8. Собик «Ўзолмонхотелз» ҚКнинг ишлаб чиқариш базаси — у куйидагилардан иборат:
> ишлаб чиқариш, омбор ҳамда ёрдамчи бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 0,4 гектар. Улар 1,5 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги Юнусобод кўчаси, 7 А.

- 9. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Infafarri Inf. S.p.a.» — Италия). Қуввати — йилга 1.560 тонна;
> картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия). Қуввати — йилга 75 тонна;
> вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» - Австрия). Қуввати — йилга 300 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.
10. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Infafarri Inf. S.p.a.» — Италия). Қуввати — йилга 1.560 тонна;
> картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия). Қуввати — йилга 75 тонна;
> вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» - Австрия). Қуввати — йилга 300 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.

- 11. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Infafarri Inf. S.p.a.» — Италия). Қуввати — йилга 1.560 тонна;
> картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия). Қуввати — йилга 75 тонна;
> вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» - Австрия). Қуввати — йилга 300 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.

- 12. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Infafarri Inf. S.p.a.» — Италия). Қуввати — йилга 1.560 тонна;
> картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия). Қуввати — йилга 75 тонна;
> вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» - Австрия). Қуввати — йилга 300 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.

- 13. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаради ва у куйидагилардан иборат:
> печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Infafarri Inf. S.p.a.» — Италия). Қуввати — йилга 1.560 тонна;
> картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия). Қуввати — йилга 75 тонна;
> вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» - Австрия). Қуввати — йилга 300 тонна;
> ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар. Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.

Қўшимча ахборот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 55, Давлат мулки кўмитасининг биноси, «Respublika mlk-auksioni» ДК.
Телефон: 239-83-82, факс 150-34-46, e-mail:info@mlk.uz

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан хайрли ишларни амалга ошираётган юртдошларимизга эзгу тилаklarини изҳор этади.

Юртимиздан тинчлик-осойишталик, қут-барака аримасин.

9
май

ҲАМИША
ОМОН БЎЛИНГ,
АЗИЗЛАР!



«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини Хотира ва Қадрлаш куни билан қутлайди.

Сизларнинг жасоратингиз ва мардонавор меҳнатингиз олдида доимо бош эгамиз.

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо бўлсин!



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afhor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ilmiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aktyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 549
18528
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'ZA yakuni — 02.30
Topshirilgan vaqti — 03.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5